

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САТТАРОВ ОДИЛЖОН БЕРДИМУРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertational Abstract

Саттаров Одилжон Бердимуратович

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш.....3

Саттаров Одилжон Бердимуратович

Совершенствование методологии обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан31

Sattarov Odiljon Berdimuratovich

Improvement of methodology of ensuring the stability of the banking system of the Republic of Uzbekistan.....60

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....64

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Iqt157 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гулямов Саидахроп Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Иминов Одилжон Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қодиров Ашур Қодирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____даги № _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Банк тизими барқарорлик индикаторларининг мамлакат ЯИМга нисбатан ўзгариш динамикасига қараб дунё мамлакатлари банк тизими ривожланганлиги ва барқарорлигига баҳо бериш амалиёти кенг қўлланилади. Хусусан, Россияда 2017 йил якунларига кўра банк ялпи активлари 80 трлн. рублдан 85,1 трлн. рублга ёки ўтган йилга қараганда 9,0 фоизга ошганлиги, лекин ЯИМга нисбатан улуши 92,9 фоиздан 92,6 фоизга камайиши, шунингдек, банк ялпи капитали 9387 млрд. рублдан 9397 млрд. рублга ёки ўтган йилга қараганда 0,1 фоизга ошганлиги, лекин ЯИМга нисбатан улуши 0,7 фоизли пунктга ёки 10,9 фоиздан 10,2 фоизга камайиши, аҳоли омонатларининг ЯИМга нисбатан улуши 28,1 фоиздан 28,2 фоизга ошиши, ажратилган ялпи кредитларнинг ўтган йилга қараганда 6,2 фоизга ошгани, лекин ЯИМга нисбатан улуши 47,5 фоиздан 46,0 фоизга камайишини кузатиш мумкин¹. Шунингдек, Халқаро Валюта Фондининг баҳолашига кўра жаҳон ЯИМ ўсиши 2016 йилда 3,2 фоиздан 2017 йилда 3,8 фоизга ошиши кузатилган. Европада 2017 йил якунларига кўра евронинг АҚШ долларига нисбатан курси 14,1 фоизга мустақамланиши кузатилган бўлсада, лекин айрим еврозона мамлакатлари банк тизимида баъзи бир муаммолар сақланиб қолган, бу эса Европа тартибга солувчи органларининг рискларни ва муаммоли банк кредитларини бошқаришда чора-тадбирларни кучайтиришини тақозо этмоқда.

Жаҳонда, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур жараёнларнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш масалаларига оид илмий тадқиқотларга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, кўрсаткичлар рентабеллиги, капитал ва ликвидлилик ҳолати, муаммоли кредитларни самарали бошқариш, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларни камайтириш, соф фоизли даромадлар салмоғини кенгайтириш, тизимли рискларни бошқариш мақсадида макропруденциал сиёсат олиб бориш борасидаги муаммолар тадқиқи орқали мазкур жараёнлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги шароитда банк тизими барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш, банклар рентабеллик даражасини ошириш, рискларни самарали бошқариш заруриятини юзага келтирди. Хусусан, банклар капиталлашув даражасининг пасайиши, ликвидлилик ҳолати, банк соф фоизли даромадлари миқдори ва рентабеллик даражасининг камайиши, эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захира миқдорининг ошиши, банк умумий капиталининг ялпи активларга нисбатининг камайиши, ялпи ички маҳсулот ҳажмида банк ялпи активлари, ялпи капитали салмоғининг нисбатан пастлиги каби омиллар банк тизими барқарорлигини таъминлашга

¹ Отчет о развитии банковского сектора и банковского надзора в 2017 году. Банк России. - М., 2018. - С.16-17

салбий таъсир этмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш»² муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сонли Фармони, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли ва 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Federal Reserve System, Federal Deposit Insurance Corporation, Office of the Comptroller of the Currency, Development Research Group, World bank, Office of Financial Research, U.S. Department of the Treasury, International Monetary Fund (АҚШ), European Bank For Reconstruction and Development (Буюк Британия), Central Bank of Switzerland, Bank for International Settlements (Швейцария), Central Bank of Netherlands (Нидерландия), Central Bank of Canada (Канада), Asian Development Bank Institute, Bank of Japan (Япония), Nigde University (Туркия), Czech National Bank (Чехия), Институт Экономической политики, Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации (Россия), Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти томонидан амалга оширилмоқда.

Банк тизими барқарорлигини таъминлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: «CAMELS» рейтинг тизими асосий компонентлари асосида банк барқарорлигига баҳо

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. - №6 (766). - 32-б.

бериш методологияси ишлаб чиқилган (Federal Reserve System, Federal Deposit Insurance Corporation, Office of the Controller of the Currency); депозитларни суғурталаш орқали банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси ўрганилган (Development Research Group); банк тизими барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (World bank); тартибга солиш ва банкка эгалик шаклининг банк тизими барқарорлигига таъсири тадқиқ этилган (The World Bank Development Research Group); молиявий барқарорлик ва макропруденциал сиёсат тадқиқ этилган (Office of Financial Research U.S. Department of the Treasury); стресстестлар ўтказиш орқали банк барқарорлигига эришиш йўллари тадқиқ қилинган (Office of Financial Research U.S. Department of the Treasury); молиявий мустаҳкамлик индикаторлари ишлаб чиқилган ва унга капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилик ва фойдалилик, ликвидлилик ва алмашув курси rischi каби кўрсаткичлар киритилган (International Monetary Fund); Буюк Британия назорат органлари ва тартибга солиш механизмлари орқали банк тизими барқарорлигини таъминлаш ўрганилган (Bank of England, United Kingdom); банк тизими стресс индекси ишлаб чиқилган (Central Bank of Switzerland), капитал етарлилиги минимал талабалари ишлаб чиқилган ва Базел Қўмитаси тавсиялари сифатида дунё мамлакатлари банк тизимида кенг қўлланилмоқда (Bank for International Settlements, Switzerland); банк тизими молиявий барқарорлик ҳолати индекси ишлаб чиқилган (Central Bank of Netherlands); молиявий стресс индекси калькуляцияси амалга оширилган (Central Bank of Canada); Марказий банк макропруденциал сиёсат орқали банклар барқарорлигини таъминлаш борасида тадқиқотлар олиб боришган (Asian Development Bank Institute, Japan); Рақобат ва барқарорлик: Туркия банк тизими таҳлили (Nigde University, Turkey); Банклар молиявий барқарорлик индикаторларини танлаш методологияси юзасидан тадқиқотлар олиб борилган (Czech National Bank, Institute of Economic Studies, Charles University in Prague); Россия банк тизими: 2008-2009 йиллар инқироз вақтида барқарорлик омиллари юзасидан тадқиқотлар олиб борилган (Институт Экономической политики имени Гайдара, Россия), банк сиёсати ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида тадқиқотлар олиб борилганлиги билан эътироф этилади (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации).

Дунё миқёсида банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: банк тизимини ташкил этувчи институтлар архитектураси ва унинг барқарор фаолият юритиш асослари; банк тизими барқарорлигини таъминлашда банк хизматлари сифатини оширишни такомиллаштириш; банк тизими барқарорлиги ва банклараро рақобат ўртасидаги алоқадорлик; банк тизими барқарорлигини таъминлашда мавжуд банк ва уларнинг филиаллари тармоғининг боғлиқлик даражаси; банк тизими ликвидлигини таъминлаш орқали банклар барқарорлигини таъминлаш йўллари ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашни такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари бўлиб хизмат қилди.

Банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг илмий-амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан D.Kunt, E.Detragiache, J.R.Barth, G.Caprio, J.R.Levine, Joseph F.Sinkey, Masahiro Kawai and P.J.Morgan, O.Iskenderoglu, S.Tomak, P.S. Rose, Ph.Davis, R.Bookstaber, J.Cetina, G.Feldberg, M.Flood, P.Glasserman, шу жумладан россиялик иқтисодчи олимларидан Алленых М.А., Вешкин Ю.Г., Глушкова Н.Б., Ибрагимов В.М., Константинова Е.М., Коробова Г.Г., Корнилов Д.Т., Короткова Е.А., Лаврушин О.И., Леонтьев А.Б., Овчинникова Н.Э., Папин Д.С., Стемповский И.А., Сенин В.Б., Стародубцева Е.Б., Фетисов Г.Г.³ ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган ва таҳлил этилган.

³ Demircuc-Kunt, Enrica Detragiache. Does Deposit Insurance increase Banking System stability? The World Bank Development Research Group, Policy Research Working Paper # 2247, 1999. James R.Barth, Gerard Caprio, Jr., Ross Levine. Do regulation and ownership affect performance and stability? The World Bank Development Research Group, Policy Research Working Paper # 2325, 2000. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. пер. с англ.- Дж. Синки, М. Алтина Бизнес брукс, 2007-1018 с. Masahiro Kawai and Peter J. Morgan. Central Banking for Financial Stability in Asia. ADB Institute, # 377, 2012. Omer Iskenderoglu, Serpil Tomak. Competition and Stability: An analysis of the Turkish banking system. International Journal of Economics and Financial Issues. Vol.3, No.3, 2013, pp 752-762. Поуз П.С. Банковский менеджмент. М.: Дело-ЛТД. 1995.-743 с. Philip Davis, E. (2009), «Financial stability in the United Kingdom: Banking and Prudence», OECD Economics Department Working Papers, #717, OECD Publishing, Paris. Rick Bookstaber, Jill Cetina, Greg Feldberg, Mark Flood, and Paul Glasserman. Stress Tests to Promote Financial Stability Assessing Progress and Looking to the Future. Office of Financial Research. Working Paper # 0010, 2013. Алленых М.А.. Банковская система как элемент рыночной экономики: Институциональный подход: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: Москва, 2004.- С.25.; Глушкова Н.Б. Банковское дело: учебное пособие. М.:Альма Матер, 2007.- С.10.; Вешкин Ю.Г. Банковские системы зарубежных стран: учебное пособие. М.: Экономистъ, 2006. - С.9.; Ибрагимов В.М. Развитие банковской системы в период трансформации экономики России: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: Москва, 2009.-С.26.; Константинова Е.М. Государственное регулирование экономических отношений в современной банковской системе: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: Казань, 2008.- С.25.; Коробова Г.Г. Банковское дело: учебное пособие. М.: Экономистъ, 2008. - С.29.; Корнилов Д.Т. Устойчивость банковской системы в условиях рыночной конкуренции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ярославль. - 2005. - 23 стр.; Короткова Е.А. Устойчивость банковской системы России и ее обеспечение. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Волгоград. - 2005. - 24 стр.; Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики. Монография. Под ред. проф.О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2014. -37 стр.; Леонтьев А.Б. Финансовая устойчивость банковской системы Российской Федерации в условиях концентрации капитала банков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самара. - 2013. - 22 стр.; Овчинникова Н.Э. Адаптивная устойчивость банковской системы в условиях глобальной финансовой нестабильности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Орел. - 2014. - 23 стр.; Папин Д.С. Финансовая устойчивость предприятий как фактор стабилизации банковской системы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. - 2006. - 25 стр.; Стемповский И.А. Обеспечение финансовой устойчивости банковской системы Российской Федерации в условиях глобализации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. - 2013. - 27 стр.; Сенин В.Б. Политико-правовые основы эффективного функционирования банковской системы в условиях федеративного государства: автореферат дис. ... кандидата юридических наук: Москва,-2005.-С.28.; Стародубцева Е.Б.Основы банковского дела: учебное пособие.М.: ИД- Форум – Инфра-М, 2010.- С.20; Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы. - М.: Финансовая академия, 2002.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Абдуллаева Ш., Бердияров Б., Бобакулов Т., Жумаев Н., Иминов О., Омонов А., Мирзаев Ф., Қоралиев Т.⁴ ва бошқалар кредит тизими, кредит механизми, халқаро валюта-кредит муносабатлари, тижорат банклари фаолияти, банклараро рақобат юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришган. Лекин шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва унинг методологияси ўзбекистонлик иқтисодчи олимлари томонидан алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг методологиясини такомиллаштиришга оид илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;

банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

рейтинг тизими орқали тижорат банки барқарорлигини баҳолаш амалиёти жорий ҳолатини таҳлил этиш;

макропруденциал сиёсат орқали банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларини аниқлаш;

банк тизими беқарорлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва умумлаштириш натижасида зарур тавсиялар шакллантириш;

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. –46 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. и.ф.н. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 21 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 45 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.– 35 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2002.– 38 б.; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.– 35 б.; Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 41 б.; Пул, кредит ва банклар. Дарслик./А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. Т.: Иқтисод-молия, 2012.-324 б.

банк тизими барқарорлигини таъминлаш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон банк тизими барқарорлик индексини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси банк тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик, эконометрик, эксперт баҳолаш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«банк тизими барқарорлиги» тушунчасига мазкур тизимни ташкил этувчи субъектлар фаолиятига кенгайтирилган ҳолда ёндашув ҳамда барқарорликнинг динамик мазмунига устунлик берилган муаллифлик таърифи таклиф этилган;

тижорат банклари барқарорлигини баҳолашда RAROC (Risk-Adjusted Return on Capital) рискларни ҳисобга олган ҳолда капитал рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланиш асосланган;

банк капитали етарлилиги, жорий ликвидлилиги, спред, актив ва капитал рентабеллиги кўрсаткичлари орқали Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлиги индекси ишлаб чиқилган;

тизимли рискларни тартибга солиш ва молиявий дисбалансларни бошқариш мақсадида Ўзбекистонда макропруденциал сиёсат ва унинг дастакларини жорий этиш асосланган;

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлиги индексининг 2018-2021 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тижорат банки ва банк тизими барқарорлигини таъминлашда улар фаолиятига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш натижасида иқтисодий самарага эришилган;

банк тизими барқарорлигини таъминлашда тимли рискларни бошқариш мақсадида Ўзбекистонда макропруденциал сиёсат олиб бориш юзасидан илмий-амалий таклифлар келтирилган;

банк тизими барқарорлиги индекси асосида Ўзбекистон банк тизими барқарорлигига баҳо берилган;

банк тизими беқарорлик ҳолатига олиб боровчи кўрсаткичлар асосида Ўзбекистон банк тизими ўрганилган ва илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

банк тизими барқарорлиги ва мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўртасида боғлиқликнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

рейтинг агентлиги орқали капитал рентабеллигини баҳолашда рискни ҳисобга олиш методологияси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари йиллик ҳисобот маълумотлари ҳамда «Ahbor-reyting» рейтинг агентлиги маълумотларидан олингани, шу билан бирга тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни мамлакат банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш ва янада оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланилади, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш, муаммоли активларни, кредит ва ликвидлик рискни самарали бошқариш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 30-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 17 февралдаги 17-22/183-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2015 йилда 2014 йилга нисбатан ROA кўрсаткичи 0,14 фоизга, банкларнинг соф фойдаси миқдори деярли 250 млн. сўмга, ROE кўрсаткичи 0,3 фоизга, банк тизими ялпи капиталининг ялпи активларига нисбати белгиланган меъёр даражасидан 1,9 фоизли пунктга ошишига имкон берган;

субстандарт, шубҳали ва умидсиз активларни самарали бошқариш, депозитлар таркибини оптималлаштириш натижасида кредитлаш ҳажмини ошириш бўйича таклифлар «Агробанк» АТБ Кенгашининг 2011 йил 13 октябрдаги 18/1-сонли йиғилиш қарорининг 2-банди асосида тасдиқланган «Банк таваккалчилигини бошқариш сиёсати» 2.2-бўлими «Таваккалчиликни бошқаришнинг асосий таркибий қисмлари» асосида амалиётга жорий қилинган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2017 йил 13

январдаги 07-22/30-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2015 йилда 2014 йилга нисбатан банк умумий риск миқдори 68 фоизга камайгани ҳолда соф фоизли фойдаси 10,4 фоизга ошган ва фоизли харажатлари миқдори 608,2 млн.сўмга камайишига хизмат қилган;

тизимли рискларни тартибга солишда макропруденциал сиёсат ва унинг дастакларини жорий этиш, банк тизими беқарорлик ҳолати кўрсаткичлари, банк тизими барқарорлигини таъминлашда ЯИМга нисбатан ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифларидан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда фойдаланилган (Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг 2017 йил 31 мартдаги 06/227-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши мамлакатда макропруденциал сиёсат ва унинг дастакларидан фойдаланиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган тизимли рискларни олдини олиш, банк тизими беқарорлик ҳолатига олиб келувчи кўрсаткичларни доимий мониторингини олиб бориш, ЯИМга нисбатан банк асосий индикаторлари динамикаси амалий таҳлил қилиш ва зарур чоралар кўриш имконини берган;

капитал рентабеллигини ҳисоблашда рискларни инобатга олиш методологиясини жорий этиш, рейтинг беришда хорижий валюталардаги омонатлар ҳажмини ҳисобга олиш бўйича таклифлар «Ahbor-reyting» рейтинг агентлигида тижорат банклари рейтингини аниқлаш амалиётида фойдаланилган («Ahbor-reyting» рейтинг агентлигининг 2017 йил 27 апрелдаги 66-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга татбиқи тижорат банкларига рейтинг бериш амалиётида RAROC (Risk-Adjusted Return on Capital)дан фойдаланиш, рейтинг беришда хорижий валюталардаги омонатлар ҳажмини ҳисобга олиш имконини берган;

банк тизими барқарорлигини таъминлаш, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи банк ликвидлиги, банк ишончлиги, банк тўлов қобилиятига оид илмий натижалар бакалавриат таълим йўналишида «Банк иши» фанидан дарсликка киритилган (06.04.2016 й., №137-029). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш банк тизими барқарорлигини таъминлашда тижорат банклари ликвидлиги, банк ишончлиги, тўлов қобилияти, банк барқарорлиги, банк тизими барқарорлиги мазмунлари ва ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 21 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган илмий-назарий хулоса ва таклифлардан «Пул ва банклар», «Банк иши» фани ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шу жумладан, 6 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг таркиби 285 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк тизими барқарорлигининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида банк тизими ва унинг эволюцияси хусусидаги илмий-назарий қарашлар, банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари, банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси қиёсий таҳлил этилган.

Бугунги кунда, банк тизими ва унинг элементлари соҳа иқтисодчи олимлари ҳамда экспертлари томонидан уларнинг илмий тадқиқотларида келтирган фикр ва мулоҳазаларини топиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, ушбу соҳага оид илмий қарашлар доимий такомиллашиб бормоқда, бунга сабаб «банк тизими» ўзгариб боровчи, динамик хусусиятга эга бўлган тизимлардан бири ҳисобланади.

Европа амалиётида «банк тизими (ингл. *banking system*; нем. *Bank-system, Bank-wesen*; франц. *Systeme bancaire*) деганда – турли хил банклар ва банк институтларининг, кредитлаш ва омонатларни жалб этиш функцияларини бажарувчи муассасалар йиғиндисига айтилади».⁵ АҚШ амалиётида эса «банк тизими деганда – штат ва бутун давлат банкларининг тури, улар структураси ва фаолияти услуби тушунилади».⁶

«Барқарорлик» тушунчаси хорижлик олимлар, мутахасислар томонидан ўрганилган ва тегишли таърифлар берилган.

Инглиз олимлари чоп этган нашрларида «барқарорлик» – бу доимий жойлашув, маълум бир объектнинг тенглик ҳолатини таъминлаш, маълум бир алмашув натижасида олдинги ҳолатига қайтиши⁷. Француз олимлари томонидан чоп этилган нашрларда «барқарорлик» – бу ҳамма вақт бир хил

⁵ <http://en.wikipedia.org/wiki/Bank>; <http://de.wikipedia.org/wiki/Bankensystem>; <http://fr.wikipedia.org/wiki/Banque>.

⁶ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг /Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. -34 с.

⁷ Shorter Oxford English dictionary. Vol. 2.

ҳолатда амалга ошириш мумкин бўлган нарсанинг тавсифидир⁸. Немис олимлари томонидан чоп этилган нашрларда эса, «барқарорлик» тебранмаслик ҳолати сифатида талқин этилади⁹. Рус олимлари чоп этган энциклопедик нашрларда «барқарорлик» – бардош бермоқ, қарши турмоқ, қилт этмаслик, кучга қарши қаттиқ туриш, кучга қарши маҳкам туриш, йўл бермаслик, пухта, чидамли, маҳкам, қаттиқ маъноларини¹⁰, шу билан бирга «барқарорлик»: 1) мустаҳкам ушлаб турмоқ, тушиб кетмаслик, қилт этмаслик; 2) доимий, маҳкам, силкинишга йўл қўймаслик, қад ростлаб турмоқ мазмунларида келади¹¹.

О.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган монографияда «...барқарорлик – бу ҳаракатнинг элементларидан биридир. Амалий нуқтаи-назардан олиб қараганда бу шуни англатадики, банк фаолияти жараёнида нафақат амалдаги даражани сақлаб қолиш, балки фаолиятни ривожлантириш, кенгайтириш бўйича қарорлар қабул қилишни талаб қиладиган нисбатан мураккаб вазифалар пайдо бўлиши мумкин»¹². Россиялик иқтисодчи олим Г.Фетисов ҳам ўз илмий ишларида «барқарорлик» фақат прогрессга, яъни ривожланишга қараб интилиш деб таъкидлайди¹³.

«Барқарорлик» хусусида билдирилган фикрлар ўртасида сезиларли даражада фарқланиш мавжуд бўлиб, унда икки хил ҳолат кўзга ташланди. Биринчи ҳолатда, «барқарорлик» деганда – тебранмас, турғун ҳолат кўзда тутилган бўлса, иккинчи ҳолатда эса, «барқарорлик» олдинга интилиш, таракқиёт сифатида қаралди. Фикримизча, ҳар иккала ҳолат ҳам барқарорликка хос бўлиб, барқарорликни ҳар қандай шароитда эришилган даражани сақлаб қолган ҳолатда, ривожланиш сари интилиш, дея таърифладик. «Барқарорлик» тушунчасини таҳлил қилиш натижасида, биз дастлаб қуйидаги хулосаларни шакллантирдик: «барқарорлик» статик ҳолат эмас, балки динамик хусусиятга эга бўлган жараёнدير; «барқарорлик» бу доимий ижобий томонга қараб силжиш, оз бўлсада лекин ривожланишга қараб интилишдир; барқарорлик ривожланишнинг комплекс тавсифи бўлиб, унинг барча жабҳалардаги, ички ва ташқи муносабатлардаги аҳамиятини ўз ичига олади; «барқарорлик» у ёки бу фаолиятнинг миқдорий ва сифат даражасини тавсифлаши шакллантирилди.

Юқоридаги илмий хулосаларни умумлаштирган ҳолда биз «банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир» деган хулоса шакллантирдик.

⁸ Le Grand Robert de la française. Т. 8.

⁹ Meyers Grosses Universal Lexicon, 1981. Т 13.

¹⁰ Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка: В 4 т. М.: Русский язык, 1979. с. 515.

¹¹ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений/ РАН. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. 4-е изд., доп. и перераб. М.: Азбуковник, 1999. с. 841.

¹² Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики. Монография. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2014. – С.37.

¹³ Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы. -М.: Финансовая академия, 2002. - С. 25.

Шу билан бирга, банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг методологик асосларини назарий тадқиқ этиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Методология – бу фаолиятни ташкил этиш тўғрисидаги таълимотдир. Бирор бир субъект фаолиятини ташкил этиш деганда, мантикий тузилиш, аниқ белгиланган тавсифлар бўйича бир тизимга умумлаштириш орқали уларни вақт структураси асосида амалга ошириш тушунилади.

Миллий банк тизими барқарорлигини баҳолашда, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк назоратига оид меъёрий-услубий ишланмалар, CAMELS ҳамда халқаро рейтинг агентликлари, халқаро молия ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган методологик ишланмалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Базель стандартида, бошқа стандартлардан фарқли ўлароқ, банк тизимининг барқарорлигини баҳолашда улар аниқлигини ошириш имконини берадиган афзалликлар аниқланди. Тижорат банклари фаолиятидаги кредит rischi даражасининг кучайиши, улар томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини ошириш зарурлиги Базель қўмитасини «Базель-II» стандартини ишлаб чиқишга мажбур қилди. 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг дунё мамлакатлари банк тизимига таъсири Базель қўмитасининг банк назоратига оид бўлган янги талабларини ишлаб чиқишга ундади ва Базель-III стандарти тайёрланди. Фикримизча, ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти ва соф барқарор молиялаштириш коэффициентини жорий қилиш кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида дастлаб тижорат банклари учун маълум бир муаммоларни келтириб чиқаради.

CAMELS рейтинг тизими орқали тижорат банклари барқарорлигига баҳо бериш амалиёти бугунги кунда кенг авж олган бўлиб, ундан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Ушбу рейтинг тизими асосида банкларнинг капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилик даражаси, ликвидлилик, бозор rischi ва менежмент каби компонентлар асосида алоҳида олинган тижорат банклари баҳоланади ва масофадан туриб назорат қилиб борилади.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари (Financial Soundness Indicators—FSI) Халқаро Валюта Фонди томонидан 2001 йилда келтирилган. Молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг мақсади макропруденциал таҳлил қилиш орқали жорий молиявий ҳолатни акс эттириш ва мамлакат молиявий муассасалари ва контрагентлари ҳамда хонадон хўжаликлари барқарорлигини баҳолашга мўлжалланган¹⁴.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари Халқаро Валюта Фондининг мамлакатларни назорат қилувчи энг асосий кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади, жумладан, ХВФ ҳамда Жаҳон банки томонидан молиявий секторни баҳолаш Дастурини (Financial Sector Assessment Programm—FSAP) амалга оширишда ва мамлакатлар молиявий тизими барқарорлигини баҳолаш

¹⁴ Показатели финансовой устойчивости. Руководство по составлению.-МВФ, 2007

бўйича хисобот нашрлари (Financial System Stability Assessment—FSSA) орқали назорат қилиб боради.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўз ичига 12 та асосий ва 27 та тавсия характериға эға бўлган кўрсаткичларни умумлаштиради. Асосий кўрсаткичлар ўз ичига: капитал етарлилик кўрсаткичлари, активлар сифати, фойда ва рентабеллилик, ликвидлилик, бозор рискига сезгирлик даражасини олса, тавсия характериға эға бўлган кўрсаткичлар эса нафақат банклар, шунингдек, бошқа молия муассасалари корпоратив муассасалар, хонадон хўжалиги, кўчмас мулк бозорига мўлжаллангандир.

Банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг бутун дунёда умум қабул қилинган кўрсаткичлар мажмуи мавжуд эмас ва ягона стандарт ишлаб чиқарилмайди ҳам, чунки барча давлатлар банк тизими фаолияти ва мавжуд қонунчилик бир давлатдан иккинчисига тўғридан-тўғри мос келмайди. Сабаби глобаллашув даражаси ҳали ҳам давом этмоқда, турли кўрсаткичлар мавжуд ва улар доимо такомиллашиб бормоқда. Бир қараганда банк тизими барқарорлигини баҳолашда фақат банклар кўрсаткичлари етарли бўлмайди. Чунки иқтисодиёт беқарор бўлса, бундай ҳолда банк тизими барқарорлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Банк тизими барқарорлиги бутун иқтисодиёт барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Банк тизимини барқарор деб айта оламиз, қачонки:

- унда инқироз бўлмаса;
- алоҳида олинган банклар инқирозга юз тутиши мумкин, лекин умумий ривожланиш тенденцияси сақланиб қолаверса;
- капиталдан самарали фойдаланиш амалга оширилса;
- капитал айланиши амалга оширилса;
- ҳар қандай ташқи ларза ва шокларға қарши тура олиш сақланса;
- рискларни баҳолаш ва бошқариш имконияти мавжуд бўлса;
- ўз-ўзини тўғрилаб олиш қобилияти мавжуд бўлиши ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк тизими барқарорлигини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин:

- ялпи банк активлари(пассивлари)нинг ЯИМға нисбати;
- ялпи банкнинг фойдалилик даражаси;
- ялпи банк капиталининг ЯИМға нисбати;
- реал секторға ажратилган кредитларнинг ЯИМ ва ялпи банк активларига нисбати;
- банк томонидан харид қилинган қимматли-қоғозлар хажмининг ЯИМға нисбати;
- банк ресурслари таркибида аҳоли пул маблағларининг салмоғи ва ЯИМға нисбати.

Диссертациянинг «**Банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг методологик асосларини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобидан АҚШ банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси, Ғарбий Европа мамлакатлари банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясининг ўзига хос

хусусиятлари, Россия Федерацияси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Дунёда АҚШ иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган мамлакат бўлиши билан бирга, иқтисодий пойдевори мустаҳкам бўлган банк тизимига ҳам эгадир. Банклараро соғлом рақобат муҳитининг шаклланганлиги, банк тизимининг мустаҳкам қонунчилик асосларининг яратилганлиги, Марказий банк монетар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг такомиллашганлиги, тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш тизими ривожланганлиги АҚШ банк тизимининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини белгилайди. Шунингдек, АҚШда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг «Додд-Франк» қонунининг қабул қилиниши банклар фаолиятини тартибга солишга доир амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жиддий тарзда ўзгартириб юборди. Ушбу Қонуннинг кучга кириши тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш тизимини Базель-III талаблари асосида такомиллаштириш имконини берди.

Ғарбий Европа мамлакатлари банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг методологик асосларини такомиллаштириш борасидаги тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар аниқланди: Ғарбий Европа мамлакатларида банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимининг Базель стандарти талабларига асосланганлиги унинг барқарорлигини таъминлашнинг бош омили ҳисобланади; Базель стандартининг доимий равишда такомиллаштириб борилиши, биринчи навбатда, банклар фаолиятида мавжуд бўлган рисклар даражасининг ошиши билан изоҳланади; Базель – II стандартини жорий қилиниши натижасида Ғарбий Европа мамлакатлари банк тизимида кредит rischi ва операциял рискларнинг сезиларли даражада пасайтиришга муваффақ бўлинди; Базель – III стандартининг амалиётга татбиқи натижасида Ғарбий Европа мамлакатларида банк тизимининг ликвидлилик ва капиталлашиш даражасини 2019 йилгача бўлган даврда юқори суръатларда ошириш имкони юзага келади.


Россия банк тизимида «Базель Қўмитаси» тавсиялари, «CAMELS» рейтинг тизими орқали банклар барқарорлигини таъминлашга баҳо бериш амалиёти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, Россия банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда Россия Марказий банкининг монетар сиёсати ва тижорат банкларининг фаолиятига нисбатан белгиланган иқтисодий меъёрлар ва талаблар муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатларнинг банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси ва амалиётини ўрганиш давомида қуйидаги кўрсаткичлар чуқур таҳлил этилиши аниқланди. Булар актив ва капитал рентабеллилик даражаси, «ROA» ҳамда «ROE» кўрсаткичларидир.

Тадқиқотлар давомида банк тизими рисклилик даражасини баҳолашда унинг «ROA» кўрсаткичи ўзгаришини таҳлил қилган ҳолда амалга ошириш

мумкинлиги аниқланди. «ROA» кўрсаткичида нафақат кредит rischi, фоиз rischi, ликвидлик rischi, операцион риск ва бошқа банк фойдалилик даражасига таъсир этувчи ҳар қандай рискка баҳо бериш мумкин бўлади¹⁵. АҚШ иқтисодчи олимларининг хулосаларига мувофиқ активлар рентабеллик даражасининг меъёрий даражаси бир фоиздир¹⁶.


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi бошланган давр ва ундан кейинги йилларда айрим хорижий давлатларнинг банк тизими активлари рентабеллик даражаси кўрсаткичи қуйидаги кўринишни олди.



1-расм. Банк активлари рентабеллик даражаси¹⁷, фоизда

1-расм маълумотларидан Италияда сўнгги йилларда рисклилик даражаси нисбатан бошқа таҳлил этилган давлатларга қараганда юқорилиги ва «ROA» кўрсаткичининг паст эканлиги аниқланди. Бу эса, Италияда банк тизимида ноаниқликлар ҳамон мавжудлиги, банк рисклилик даражаси юқорилиги, активлар сифати нисбатан паст эканлиги ва эҳтимолий йўқотишларга яратилган захира миқдорининг юқорилиги билан изоҳланади.

Банк активлари рентабеллик кўрсаткичидан фарқли равишда банк тизими барқарорлигини аниқлашда банк капитали рентабеллиги ҳам асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. АҚШ иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида капитал рентабеллик даражасининг меъёрий даражаси ўн фоиздир¹⁸.



2-расм. Банк капитали рентабеллик даражаси¹⁹, фоизда

¹⁵ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг / Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. -223 с

¹⁶ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг / Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. -224 с

¹⁷ www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


¹⁸ Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг / Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. -289 с

¹⁹ www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқорида таҳлил этилган икки кўрсаткич мамлакат банк тизими барқарорлигини баҳолашда кенг фойдаланиладиган кўрсаткичлар ҳисобланади. 1 ва 2-расм маълумотларидан 2008 йилда ушбу кўрсаткичлар пасайиш тенденцияси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари банк тизими ва унинг барқарорлигига таъсирини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга мамлакат банк тизими барқарорлик даражасини белгиловчи асосий индикаторлар қаторига банк активларининг мамлакат ЯИМга нисбати даражаси ҳисобланади. О.Тимофей ўз тадқиқотларида мамлакат банк тизими барқарорлиги юзасидан банк активларининг мамлакат ЯИМга нисбатан ривожланган давлатларда 100 фоиздан ортиқ бўлса, айрим давлатларда ушбу кўрсаткичнинг паст эканлиги молиявий айирбошлаш самарасининг паст эканлиги билан баҳоланади деб таъкидлайди²⁰.

Навбатдаги расмда ушбу индикатор амалий маълумотлари келтирилади.



3-расм. Банк активларининг мамлакат ЯИМга нисбати²¹, фоизда


Ҳар бир давлат банк тизими барқарорлик даражаси юзасидан фикр юритганда албатта, энг аввало, банк активларининг мамлакат ЯИМга нисбатан даражаси ўрганилади. Бунга сабаб, ушбу индикатор банк тизими ривожланганлик даражасини белгилайди.

3-расм маълумотларидан Буюк Британияда ялпи активларнинг ЯИМга нисбати 500 фоиздан юқори эканлиги кўринади, бу эса ҳақиқатдан ҳам Лондон дунёда молия маркази эканлигини ва банк ялпи активлари мамлакат ЯИМдан бир неча баробар юқори эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, расмдаги бошқа давлатларда ҳам ушбу кўрсаткич 200 фоиздан кам эмас, шу боис банк ялпи активларининг ЯИМга нисбатан салмоғи банк барқарорлигига баҳо беришда энг муҳим кўрсаткичлардан бири эканлиги шубҳасиз.

²⁰ O.Timofey. The role of banking sector for state's financial stability. Theoretical and scientific journal. Economy and sociology// No. 1 / 2015. 127-133 p. JEL Classification: G20; G21; G29

²¹ www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Шу билан бирга банк кредитларининг мамлакат ЯИМга нисбатан ўрганиш ҳам долзарб ҳисобланади. Сабаби, ушбу кўрсаткич орқали инвестицияларга асосланган иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси белгиланади. Ушбу кўрсаткичнинг нисбатан пастлиги мамлакат иқтисодий ўсишининг нисбатан барқарор эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолларда банк тизими арзон узоқ муддатли инвестицион ресурслар билан иқтисодиёт реал секторини таъминлай олмайди. Шу боис бир қанча омилар молия тизимининг кучсизланишига ва Марказий банкнинг барча жараёнлардаги иштирокини ошишига олиб келади.



4-расм. Банк кредитларининг мамлакат ЯИМга нисбати²², фоизда

Банк тизими ялпи кредитларининг ЯИМга нисбати орқали ҳар қандай давлатда иқтисодиёт реал секторига ажратилаётган кредитлар салмоғи, банклар кредитлаш билан боғлиқ фаолиятга баҳо бериш имкони пайдо бўлади.

Банк активлари билан бир қаторда унинг пасивлари, яъни аҳоли омонатларининг мамлакат ЯИМдаги салмоғи ҳам банк тизими барқарорлигини баҳолашнинг энг асосий индикаторлардан бири ҳисобланади.




5-расм. Аҳоли омонатларининг ЯИМга нисбати²³, фоизда

²² www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Айрим иқтисодчилар ушбу кўрсаткич 20 фоиздан кам бўлмаслигини таъкидлашади. Шу боис ушбу индикатор Италияда меъёрдан камида 3 баробар, Франция ва Германияда 4 баробарга, Буюк Британияда 7 баробар юқорилиги аниқланди.


Жаҳон банки экспертлари юқоридаги банк тизими индикаторлари билан бир қаторда банк тизими барқарорлигига ялпи капиталнинг ялпи активлардаги улуши орқали баҳо берилади деб таъкидлашади. Уларнинг фикрича, ушбу индикаторнинг минимал талаби 10 фоиз қилиб белгиланган.



6-расм. Банк тизими ялпи капиталнинг ялпи активларга нисбати²⁴, фоизда

6-расм маълумотларидан кўринадикки, Европа мамлакатларида ушбу меъёр барчасида 10 фоиздан паст, лекин ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бориши кузатилган. Бизнинг фикримизча, бунга сабаб Базел кўмитасининг банк капитали ва унинг етарлилиги юзасидан янги талабларнинг кучайтирилганидир.

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида, мамлакат банк тизими барқарорлиги баҳоланса, тижорат банклари барқарорлиги турли рейтинг тизимлари ва тавсия характерида эга бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиши билан белгиланади. Масалан, тижорат банклари кредитлаш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қаторида, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари салмоғи ҳисобланади. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, ушбу меъёр 0,5 фоиздан ошмаслиги лозим.



7-расм. Банк кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг банк активлари ўртача суммасига нисбати²⁵, фоизда

²³ www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

²⁴ www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

7-расм маълумотларидан АКШнинг «Bank of America», Буюк Британиянинг «Barclays Bank», Германиянинг «Commerzbank», Россиянинг «ВТБ24» банклари маълумотлари асосида ушбу кўрсаткич таҳлил этилган ҳамда фақат Германиянинг «Commerzbank» ушбу меъёрларга тўлиқ амал қилгани аён бўлган. Қолган тижорат банклари ўз фаолияти давомида активлар сифати, ажратиладиган захиралар меъёрий даражасига амал қилмоғи лозим бўлади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигининг замонавий ҳолати» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикаси, миллий банк тизимини назорат қилиш амалиётининг замонавий ҳолатини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган, улар доимий равишда такомиллашиб бормоқда ва Базель кўмитасининг банк назоратига оид бўлган янги тавсияларини республика амалиётига жорий этилаётганлиги банклар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

1-жадвал


**Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини
тавсифловчи асосий индикаторлар**

Индикаторлар	Йиллар							
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ялпи активлар, трлн.сўм	20739,5	27500	35700	43900	56200	65176	80362	166632
Активларнинг ЯИМга нисбатан даражаси, %	33,2	35,3	36,9	36,9	38,7	38,1	40,3	66,8
Кредитлар, трлн.сўм	11539	15700	20400	26500	34800	42685	53379	110572
Кредитларнинг ЯИМга нисбатан даражаси, %	18,5	20,2	21,1	22,2	24,0	24,9	26,7	44,3
Умумий капитал, трлн.сўм	4100	5300	6200	6500	6900	7780	9353	20676
Умумий капиталнинг ЯИМга нисбатан даражаси. %	6,5	6,8	6,4	5,5	4,7	4,5	4,7	8,3
Ялпи депозитлар, трлн.сўм	13200	15500	20000	26100	28500	35600	44600	58668
Ялпи депозитларининг ЯИМга нисбатан даражаси, %	21,1	19,9	20,7	21,9	19,6	20,7	22,3	23,5

²⁵ Тегишли банклар йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Ўзбекистон Республикаси банк тизими асосий кўрсаткичларининг мамлакат ЯИМга нисбати таҳлили натижасида 2010-2016 йилларда банк тизими кўрсаткичлари ва унинг мамлакат ЯИМга нисбатан салмоғи бир меъёрга ўзгариб бориш тенденцияси кузатилади, лекин 2017 йил якунларига кўра ялпи банк активларининг, ялпи кредитлар ва ялпи банк капиталининг ЯИМга нисбатан сезиларли ошиш тенденцияси кузатилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Навбатда биз Ўзбекистон Республикаси банк тизими ROA кўрсаткичини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.



8-расм. Ўзбекистон Республикаси банклари ROA кўрсаткичининг даражаси²⁶, фоизда

8-расм маълумотларидан 2007-2017 йилларда ушбу кўрсаткич 1,1-2 фоиз атрофида бўлганлигини кўришимиз мумкин. Банкларнинг ROA кўрсаткичи билан бирга ROE кўрсаткичи ҳам мавжудки, у орқали банклар капитал рентабеллик даражаси аниқланади. Навбатдаги расм маълумотларида Ўзбекистон Республикаси банк тизими ROE кўрсаткичи келтирилади.




9-расм. Ўзбекистон Республикаси банклари ROE кўрсаткичининг даражаси²⁷, фоизда

9-расм маълумотларидан 2007-2008 йилларда ушбу кўрсаткичнинг 10 фоиздан юқори бўлган бўлса, лекин 2009 йилда ушбу кўрсаткич кескин камайган ва 8,84 фоиз ташкил этган. Бу эса салбий ҳолат ҳисобланади. Шу боис 2010 йилдаги 5 та банкларнинг давлат томонидан капиталлаштириш натижасида ушбу қийин ҳолат ечилди десак хато бўлмайди. Бунинг натижасида 2010-2017 йилларда ушбу кўрсаткич даражаси 10 фоиздан юқори бўлганлиги кўринади.

Бизга маълумки, капитал етарлилиги билан боғлиқ ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш даражасига баҳо беришда кенг фойдаланиладиган кўрсаткичлардан яна бири бу капиталнинг активларга нисбати ҳисобланади.

²⁶ www.worldbank.org интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

²⁷ www.worldbank.org интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.



10-расм. Ўзбекистон Республикаси банк тизими умумий капиталининг ялпи активларга нисбатининг ўзгариш динамикаси, фоизда²⁸

10-расмдан кўринадики, республикада тижорат банклари умумий капиталининг ялпи активларга нисбатан даражаси етарлидир. Аммо ушбу кўрсаткич 2010-2016 йилларда пасайиш тенденцияси кузатилган бўлсада, лекин белгиланган меъёр даражасидан тушмаган.

Навбатдаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банклари томонидан 2012-2017 йиллар ичида жорий ликвидлик кўрсаткичини бажариш ҳолатини кўришимиз мумкин.

2-жадвал


Тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларига амал қилиш ҳолати

№	Банк номи	Йиллар кесимида					
		2012	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Ўзсаноатқурилишбанк	81,2	102,1	92,4	85,9	69,0	126,2
2.	Туронбанк	60,5	42	53,5	58,2	63,5	79,1
3.	Агробанк	34,1	42,7	35,4	34,8	30	74,6
4.	Алоқабанк	52,9	48,8	45,1	43,3	57,6	57,7
5.	Хамкорбанк	90,6	82,8	86,3	71,8	59,7	97,7
6.	Ипак йўли банк	82,7	82	68,3	59,3	63,5	88,4
7.	Капитал банк	48,9	56,1	53,1	47,5	47,2	63,5
8.	Микрокредит банк	67,1	54,9	68,6	81,5	65,8	93,3
9.	Қишлоқ қурилиш банк	73,9	64,8	72,6	79,4	70,3	79,7
10.	Равнақ банк	85,9	61,6	71,4	85,4	91,3	152,9
11.	Миллий банк	80	84,7	86,1	89,4	81,4	97,2
12.	Траст банк	70,7	54,7	59,8	62,6	55,7	59,0
13.	Асака банк	59,9	60,3	60,1	58,1	95,4	88,6
14.	Халқ банк	67,8	57	54,1	57,5	48,1	82,1

Таҳлил этилаётган даврда барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришларини кузатишимиз мумкин. Бу эса тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банклари соф фоизли даромад миқдорининг ўзгаришини таҳлил қиламиз. Ушбу кўрсаткич ҳам банк барқарор фаолият олиб бориши учун энг зарур бўлган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

²⁸ www.cbu.uz. сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



11-расм. Ўзбекистон Республикаси айрим тижорат банклари соф фоизли даромади миқдори²⁹, млн.сўм

11-расм маълумотлари асосида айрим тижорат банклари ичида Халқ банки соф фоизли даромади миқдорининг кескин ошиши кузатилган бўлса, таҳлил қилинган бошқа банкларда кескин ўзгаришлар кузатилмаганлиги кўринади. Бу кўрсаткич охир-оқибатда банк соф фойда миқдорининг ошиб боришига хизмат қилишидан келиб чиққан ҳолда уни банк барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.



12-расм. «Асака банк», «Агро банк» ва «Халқ банк» да кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг активларнинг ўртача суммасига нисбати, фоизда

12-расм маълумотларидан «Асакабанк», «Агробанк» ва «Халқ банк» да кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг активларнинг ўртача суммасига нисбати меъёр даражасида бўлсада, лекин 2017 йилга келиб Асака банкида ушбу кўрсаткич 4,4 фоизни ташкил этган. Бу эса тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Банк тизими барқарорлик даражасини баҳолашда Халқаро банк назорати бўйича Базел кўмитаси ва унинг тавсиялари катта аҳамият касб этади.

²⁹ Тегишли тижорат банклари йиллик ҳисобот маълумотларидан фойдаланган ҳолда тайёрланди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидликни қоплаш меъёри ва соф барқарор молиялаштириш меъёрларини бажариш ҳолати

№	Банклар	2016 йил 1 январ		2017 йил 1 январ	
		ликвидликни қоплаш меъёри (min =0,80)	соф барқарор молиялаштириш меъёри	ликвидликни қоплаш меъёри (min =0,90)	соф барқарор молиялаштириш меъёри
1.	Асака банк	1,001	0,697	1,307	0,856
2.	Ўзсаноатқурилиш банк	2,259	1,200	1,829	1,035
3.	Халқ банк	1,262	1,207	1,067	1,202
4.	Қишлоқ қурилиш банк	2,541	0,786	2,050	0,945
5.	Ипотекабанк	1,320	0,772	1,246	0,985
6.	Микрокредитбанк	1,784	1,074	1,618	0,914
7.	Ипак йўли банк	2,066	1,060	2,161	1,182
8.	Турон банк	1,279	0,756	1,952	0,989

Албатта ушбу кўрсаткичларни доимий назорат қилиб бориш зарур ҳолларда кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тижорат банкларида юзага чиқиши мумкин бўлган турли муаммоларни олдини олиш имконини беради.

Навбатда «СAMEL» рейтинг тизими асосида «Агробанк» нинг рейтинг бабини аниқлаймиз.

4-жадвал

«СAMEL» рейтинг тизими элементлари бўйича АТ «Агробанк» тўплаган баллари

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	Ўртача балл
Умумий капиталнинг етарлилиги	1	1	1	1	1	1	1	1
Биринчи даражали капиталнинг етарлилиги	1	1	1	1	1	1	1	1
Активларнинг сифати	5	4	2	2	1	1	2	3
Даромадлилик	5	2	5	5	4	5	1	4
Ликвидлик	2	2	2	2	2	2	1	2
Ўртача балл – элементлар бўйича	3	2	2	2	2	2	1	2

4-жадвал маълумотлари бўйича умумий хулоса сифатида АТ «Агробанк» менежментнинг сифати бўйича иккинчи, яъни қониқарли банклар тоифасига киритиш мумкин. Бир қатор камчиликлар мавжуд бўлсада, банк раҳбарияти банкни бошқаришга қодир. Аммо банк фаолиятида жиддий рисклар мавжуд.

Диссертациянинг «Банк тизими барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш масалалари» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг эконометрик моделлаштириш, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш методологияси билан боғлиқ муаммолар талқини, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Банк активлари рентабеллик даражасини олдинги боб маълумотларидан келиб чиққан ҳолда 2007-2017 йил маълумотлари асосида дисперсияни аниқлаш ва ҳисоблаш натижасида қуйидагиларни олдик.

5-жадвал

Таҳлил этилган давлатларнинг ROA кўрсаткичи асосида дисперсия ҳисоб-китоби³⁰

№	Давлатлар	Ўртача	Стандарт чекиниш	Вариация коэффициенти
1.	АҚШ	0,777	0,391	0,503
2.	Буюк Британия	0,169	0,258	1,531
3.	Германия	0,072	0,198	2,726
4.	Франция	0,204	0,183	0,897
5.	Италия	0,005	0,643	118,065
6.	Россия	1,161	0,554	0,477
7.	Ўзбекистон	1,467	0,304	0,207

5-жадвал маълумотларидан Россия ва Ўзбекистонда активлар рентабеллигининг ўртача миқдори нормал ҳолати кўринади. Лекин бошқа таҳлил этилган давлатларда, хусусан Еврoзона мамлакатларида, ушбу меъёр даражаси анча паст бўлган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда 2007-2017 йилларда Европа давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсир даражаси қанчалик юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Италияда эса умуман ушбу кўрсаткич 2007-2014 йилларда манфий ҳолатда эканлиги банк тизими барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Банк капитали рентабеллик даражасини олдинги боб маълумотларидан келиб чиққан ҳолда 2007-2017 йил маълумотлари асосида дисперсияни аниқлаш ва ҳисоблаш натижасида қуйидагиларни олдик.

³⁰ Муаллиф томонидан ҳисобланди.

Таҳлил этилган давлатлар ROE кўрсаткичи асосида
дисперсия ҳисоб-китоби³¹

№	Давлатлар	Ўртача	Стандарт чекиниш	Вариация коэффициенти
1.	АҚШ	7,033	3,533	0,502
2.	Буюк Британия	3,549	6,387	1,799
3.	Германия	1,754	6,788	3,868
4.	Франция	5,521	5,867	1,062
5.	Италия	0,461	7,275	15,753
6.	Россия	9,236	4,028	0,436
7.	Ўзбекистон	13,523	2,738	0,202


6-жадвал маълумотларидан капитал рентабеллигининг ўртача миқдори нормал ҳолати Россияда ва Ўзбекистонда кузатишимиз мумкин. Лекин бошқа таҳлил этилган давлатларда еврозонада, АҚШда ушбу меёр даражаси анча паст бўлган. Италияда эса умуман ушбу кўрсаткич энг паст эканлиги банк тизими барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Навбатда биз Ўзбекистон банк тизими барқарорлигини эконометрик баҳолаш учун қуйидаги ишларни амалга оширдик. Банк тизими барқарорлигини эконометрик баҳолашда, биринчи навбатда банк тизими барқарорлигини қандай ўлчаш мезонини аниқлаштириб олдик. Ушбу ишда мавжуд статистик маълумотлардан фойдаланиб Ўзбекистон банк тизими барқарорлиги индексини ишлаб чиқдик. Индекс қуйидаги кўринишни олди:

$$I_t = 0.25 * K_t + 0.25 * L_t + 0.1 * S_t + 0.2 * ROA_t + 0.2 * ROE_t$$

Эконометрик таҳлил статистик маълумотлар асосида амалга оширилган бўлиб, ушбу статистик маълумотлар номинал қийматда берилган бўлиб, улар трансформация қилинди, яъни номинал қийматлар реалга ўзгартирилди ва логарифми олиниб кўлами нормаллаштирилди.

Банк тизими барқарорлик индексига Ўзбекистон Республикаси банк тизими 2009-2017 йилларда кўрсаткичлар тизимини киритган ҳолда баҳолашга ҳаракат қилганимизда у қуйидаги кўринишни олди.



13-расм. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини баҳолаш
индекси натижалари

³¹ Муаллиф томонидан ҳисобланди.

13-расм маълумотларидан индекс 23,51(2009 йил) ва 25,64 (2012 йил) ўртасида тебранганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2009 йилда давлат томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар сифатида тижорат банклари капиталлашувига ажратилган маблағлар катта аҳамият касб этганлиги, 2013-2016 йилларда сезиларсиз даражада тушиши кузатилаётганлиги, банklar капитал етарлилиги кўрсаткичи ҳамда жорий ликвидлилик коэффиценти 2012 йилга қараганда биров пасайгани, лекин унинг пасайиши ҳам Базел қўмитаси тавсияларидан 3 марта юқорилиги билан изоҳланади.

Банк тизими барқарорлик индекси бешта кўрсаткич ёрдамида яратилгани учун бу беш кўрсаткичнинг ўзгариши индекс ўзгаришига таъсири табиий ҳол. Ялпи ички маҳсулот ва молиявий тизим бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун бизнинг тахминимиз бўйича реал ялпи ички маҳсулот ошиши банк тизими барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу тахминнинг қанчалик ҳақиқатга мослигини текшириб кўриш учун реал ялпи ички маҳсулотнинг банк тизими барқарорлиги индексига таъсирини оддий чизикли регрессион таҳлил қилиб кўрдик. Натижанинг робастлигини текшириб кўриш учун эконометрик моделга банklararo ўртача фоиз ставкаси ва ялпи банк капиталининг ялпи банк активларига нисбати киритилди.

Моделдан фойдаланган ҳолда биз учта оддий чизикли регрессияни амалга оширдик. Биринчи регрессияда ҳеч бир назорат қилувчи ўзгарувчиларсиз оддий чизикли регрессияни амалга оширдик. Регрессия натижаси бизнинг фаразимизни статистик жиҳатдан тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Иккинчи оддий чизикли регрессияни индексга таъсир этувчи яна бир омилни назорат қилувчи ўзгарувчи сифатида регрессияга киритиб амалга оширдик. Учинчи регрессияда индексга таъсир этувчи икки кўшимча омилларни назорат қилувчи ўзгарувчи сифатида киритиб оддий чизикли регрессия амалга оширдик. Ҳар иккала регрессия натижаларига кўра бизнинг асосий изоҳловчи ўзгарувчимиз, яъни реал ЯИМ позитив таъсирга эга ҳамда статистик аҳамиятлилик даражаси муҳим. Шунингдек, назорат қилувчи ўзгарувчиларимиз ҳам позитив таъсир этувчи омиллар бўлиб, уларнинг таъсир кўлами реал ЯИМдан кўра сезиларли даражада паст аммо статистик аҳамиятлик даражаси муҳим. R-квадрат натижаси барча регрессияда 0.99 дан юқорилиги сақланиб қолди. Қуйидаги жадвалда модел натижаларини келтириб ўтамиз.

7-жадвал

Банк тизими барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Изоҳланувчи ўзгарувчи: $\text{Log}(I_t)$			
Изоҳловчи ўзгарувчилар	Модел (1)	Модел (2)	Модел (3)
$\text{Log}(Y_t)$	0.701*** (0.016)	0.409*** (0.080)	0.328*** (0.022)
UZIBOR		0.060** (0.017)	0.029*** (0.005)
K/A			0.038*** (.003)
R^2	0.9966	0.9986	0.9999

Изоҳ: Тест статистиклар ва стандарт хатолар гетероскедастикликка асимптотикли робаст.

***Статистик аҳамиятлилик даражаси 1% ** Статистик аҳамиятлилик даражаси 5%

Хулоса ўрнида, алоҳида олинган тижорат банки барқарорлиги банк тизими барқарорлигига, банк тизими барқарорлигини таъминлаш учун эса мамлакат ялпи ички маҳсулоти хажмининг ошиб бориши эвазига эришиш мумкинлиги аниқланди. Шу билан бирга банк тизими барқарорлигини ошириб бориш ёки такомиллаштириб бориш мақсадида тижорат банклари капиталлашиш даражасига, активлар сифатига, ликвидлилик даражаси, банк рентабеллик кўрсаткичларига эътибор қаратишлари мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашга ва мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, диссертацион тадқиқотимиз давомида Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш хусусида мавжуд айрим камчиликлар ҳамда муаммолар ва уларни баратараф этиш йўлари борасида тегишли хулосалар шакллантирилди.

ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқотни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги хулосаларни шакллантирдик.

1. Тадқиқот давомида турли иқтисодчи олимларнинг илмий изланишлари натижасида «tizim», «barqarorlik» этимологиясидан келиб чиқиб билдирилган илмий-назарий қарашларини ўрганиш оқибатида «банк тизими барқарорлиги» юзасидан такомиллашган мустақил муаллифлик таърифи шакллантирилди.

2. Банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш натижасида, тижорат банки барқарорлиги орқали банк тизими барқарорлигига, банк тизими барқарорлиги эса мамлакат иқтисодий барқарорлигига хизмат қилиши нуқтаи-назаридан қараш банк тизими ривожланиши ва барқарор фаолият юртишига имкон беради.

3. Тижорат банклари барқарорлигини реал баҳолашда АҚШда «CAMELS» рейтинг тизими, Германияда «BAKIS» рейтинг тизими, Францияда «ORAP» рейтинг тизими, Италияда «PATROL» рейтинг тизимларидан фойдаланиш натижасида банк барқарорлигини таъминлаш юқори самарани таъминлайди. Умуман рейтинг тизимлари асосида банклар барқарорлигига баҳо бериш тезкор тизимлардан бири бўлиб, назорат қилувчи органлар томонидан тижорат банклари фаолиятини баҳолашда ундан фойдаланиш келгусида ошиб боради.

4. Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг методологияси ва тавсиялари асосида мамлакатда банк капитали етарлилиги, ликвидлилик меъёрлари, рисклилик даражасини тартибга солиш орқали банк тизими барқарорлиги таъминланади. Келгусида ҳар қандай давлатнинг тартибга солувчи органлари томонидан Базель қўмитаси тавсиялари ва меъёрларидан кенг фойдаланиш ҳамда уларни банк тизимига мослаштириш, жорий этиш ва такомиллаштириб бориш натижасида унинг роли кучайиб боради.

5. Банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш мақсадида энг аввало, мамлакат банк тизими беқарорлигига олиб келувчи индикаторлар ва уларнинг минимал чегаралари, критик нуқталари эмпирик тадқиқотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш юзасидан тегишли хулосалар шакллантирилди.

6. Тартибга солувчи органлар томонидан тизимли рискларни олдини олиш мақсадида макропруденциал сиёсат юритиш оқибатида банк тизими барқарорлигини таъминлаш юқори натижани таъминлайди. Макропруденциал сиёсат орқали тизимли рискларни тартибга солиш ва келгусида уни амалиётда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

7. Банк тизими барқарорлигини таъминловчи кўрсаткичлар тизимини белгилашда назарий-методологик асосларга таяниш, хорижий давлатларнинг банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини чуқур таҳлил этиш, хусусан, банк тизими капиталлашиш даражаси, ликвидлик, рисклик, фойдалилик даражасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлик индекси ишлаб чиқилди.

8. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш методологиясида капитал рентабеллигини баҳолашда «RAROC» кўрсаткичи услубиётдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

9. Тижорат банклари ликвидлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш орқали банк тизими барқарорлигини таъминлаш, назаримизда ўз ичига қуйидаги асосий тадбирларни олиши лозим. Марказий банк томонидан тижорат банклари учун улар ликвидлигини қисқа муддатда ҳал этишга қўмаклашиш мақсадида, қайта молиялаштириш кредитларини ажратиш; оператив ликвидлик кредитларини жорий этиш ва унинг талаблари сифатида дастаб, 90 кун муддатга ҳамда қайта молиялаштириш ставкасида 2 фоизли пунктга юқори бўлган фиксирланган ставкада кредитлар ажратиш механизмини жорий этиш; банклараро кредит ресурслари бозори ишлаш механизмини такомиллаштириш. Бунда Марказий банк томонидан маҳалий тижорат банкларидан камида учтасига ресурс ажратиш ҳамда улар орқали қисқа муддатли молиявий қийинчиликни бошдан кечираётган банклар учун улар ликвидлигини тиклаш мақсадида йўналтириш; қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, энг аввало, давлат облигацияларини чиқариш ва банкларнинг улар олди-сотдисиди фаол иштирокчисига айлантириш.

10. Мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясида барча банк индикаторларини мамлакат ЯИМга нисбатан ўзгариш динамикасини ўрганиш, таҳлил этиш ва прогноз қилиш мақсадга мувофиқ. Бу каби динамик ўзгаришларни барча банк индикаторлари орқали мамлакат ЯИМга нисбатан таҳлил қилиш яхши натижа беришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.I.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

САТТАРОВ ОДИЛЖОН БЕРДИМУРАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
УСТОЙЧИВОСТИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по экономическим наукам

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.3.DSc/Iqt157.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекском, русском и английском(резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.bfa.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Саидахрор Саидахмедович**
доктор экономических наук, академик

Иминов Одилжон Каримович
доктор экономических наук, профессор

Кодиров Ашур Кодирович
доктор экономических наук, профессор

Етакчи ташкилот: **Ташкентский государственный экономический университет**

Защита диссертации состоится «__»_____ 2018 г. в _____ч. на заседании Научного совета № DSc.27.06.2017.I.15.01 при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Мовароуннахр 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрировано № ____). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Мовароуннахр 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Автореферат диссертации разослан «__»_____ 2018 г.
(протокол реестра № _____от «__»_____ 2018 г.)

А.Ш.Бекмуродов
Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, доктор экономических наук, профессор

У.В.Гафуров
Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, доктор экономических наук, профессор

Н.М.Махмудов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. На практике широко применяется оценка уровня развития и устойчивости банковской системы стран мира по динамике изменения индикатора устойчивости банковской системы по отношению к ВВП страны. В частности в России, по итогам 2017 года совокупные активы банковского сектора выросли с 80 до 85,1 трлн. рублей или по сравнению с прошлым годом рост составил 9,0 процентов, однако наблюдается снижение этого показателя по отношению к ВВП с 92,9 до 92,6 процентов. Также увеличился совокупный капитал банковского сектора с 9387 до 9397 млрд. рублей или по отношению к прошлому году рост составил 0,1 процента, но по отношению к ВВП этот показатель снизился на 0,7 процентных пункта или с 10,9 до 10,2 процента. Доля вкладов населения по отношению к ВВП увеличилась с 28,1 до 28,2 процента, объем выделенных кредитов по сравнению с прошлым годом увеличился на 6,2 процента, однако по отношению к ВВП доля этого показателя снизилась с 47,5 до 46,0 процента³². Кроме этого, согласно оценкам Международного валютного фонда, темпы прироста мирового ВВП ускорились с 3,2 процента в 2016 году до 3,8 процента в 2017 году. В Европе курс евро по итогам 2017 года укрепился к доллару США на 14,1 процента, но в некоторых странах Еврозоны сохраняются проблемы в банковской системе. Это, в свою очередь, требует усиления мер со стороны Европейских регулирующих органов в сфере управления рисками и проблемными банковскими кредитами.

Исходя из значимости обеспечения устойчивости банковской системы страны, в мире уделяется большое значение научным исследованиям, касающиеся вопросам совершенствования методологических и практических основ данного процесса. Особенно, ведутся действия по повышению эффективности этого процесса путем исследования проблем в сфере осуществления макропруденциальной политики в целях эффективного управления показателями рентабельности, состоянием капитала и ликвидности, проблемными кредитами, уменьшения резервов созданных против возможных потерь по кредитам, расширения доли чистых процентных доходов и управления системными рисками.

Совершенствование обеспечения устойчивости банковской системы в Узбекистане в нынешних условиях приводит к необходимости повышения уровня рентабельности банков и эффективному управлению рисками. В частности, такие факторы, как снижение уровня капитализации, ликвидности банков, уменьшение размера чистых процентных доходов и уровня рентабельности, рост объема резерва созданных против возможных потерь, снижение общего банковского капитала по отношению к валовому активу, относительно низкая доля валового актива и валового капитала банков в общем объеме ВВП, негативно влияют на обеспечение устойчивости

³² Отчет о развитии банковского сектора и банковского надзора в 2017 году. Банк России. - М., 2018. - С.16-17

банковской системы. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в качестве одной из важных направлений, отмечено «углубление реформирования и обеспечение устойчивости банковской системы, повышение уровня капитализации и депозитной базы банков, укрепление их финансовой устойчивости и надежности, дальнейшее расширение кредитования перспективных инвестиционных проектов, а также субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства³³».

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 9 января 2018 года № УП-5296 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Центрального банка Республики Узбекистан», Постановлений Президента Республики Узбекистан от 12 сентября 2017 года № ПП-3270 «О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы республики» и от 23 марта 2018 года № ПП-3620 «О дополнительных мерах по повышению доступности банковских услуг» и в других нормативных документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «I. Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования по обеспечению устойчивости банковской системы проводятся ведущими научными центрами и высшими образовательными учреждениями мира, в частности, к ним относятся: Federal Reserve System, Federal Deposit Insurance Corporation, Office of the Comptroller of the Currency, Development Research Group, World bank, Office of Financial Research, U.S. Department of the Treasury, International Monetary Fund (США), European Bank For Reconsrtuction and Development (Великобритания), Central Bank of Switzerland, Bank for International Settlements (Швейцария), Central Bank of Netherlands (Нидерландия), Central Bank of Canada (Канада), Asian Development Bank Institute, Bank of Japan (Япония), Nigde University (Турция), Czech National Bank (Чехия), Институт Экономической политики, Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации (Россия), Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан, Ташкентский государственный экономический университет и Ташкентский финансовый институт.

По результатам исследований, проведенных в мире в сфере обеспечения устойчивости банковской системы, получены следующие

³³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. - №6 (766). – стр.32.

научные результаты: разработана методология оценки устойчивости банка на основе основных компонентов рейтинговой системы «CAMELS» (Federal Reserve System, Federal Deposit Insurance Corporation, Office of the Controller of the Currency); изучена методология обеспечения устойчивости банковской системы посредством страхования депозитов (Development Research Group); разработана и рекомендована система показателей, определяющих устойчивость банковской системы (World bank); исследованы влияние регулирования и формы собственности банков на устойчивость банковской системы (The World Bank Development Research Group); исследована финансовая устойчивость и макропруденциальная политика (Office of Financial Research U.S. Department of the Treasury); исследованы пути достижения устойчивости банка путем проведения стресс-тестов (Office of Financial Research U.S. Department of the Treasury); разработаны индикаторы финансовой стабильности, в которые включены такие показатели, как достаточность капитала, качество активов, доходность и прибыльность, ликвидность и риск обменного курса (International Monetary Fund); изучено обеспечение устойчивости банковской системы посредством регулирующих механизмов и контролирующих органов Великобритании (Bank of England, United Kingdom); разработан стресс индекс банковской системы (Central Bank of Switzerland), разработаны минимальные требования по достаточности капитала, которые широко применяются в банковской системы мировых стран в качестве рекомендаций Базельского комитета (Bank for International Settlements, Switzerland); разработан индекс состояния финансовой устойчивости банковской системы (Central Bank of Netherlands); произведена калькуляция финансового стресс индекса (Central Bank of Canada); проведены исследования по обеспечению устойчивости банков посредством макропруденциальной политики центрального банка (Asian Development Bank Institute, Japan); Конкуренция и устойчивость: Анализ системы Турецкого банка (Nigde University, Turkey); проведены исследования по методологии выбора индикаторов финансовой устойчивости банков (Czech National Bank, Institute of Economic Studies, Charles University in Prague); Банковская система России: проведены исследования по факторам устойчивости во время кризиса в 2008-2009 годах (Институт Экономической политики имени Гайдара, Россия), проведены исследования по вопросам банковской политики и обеспечения устойчивости банковской системы (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации).

